

## **Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида шаффофликни таъминлаш кучайтирилади**

**“Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини  
таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга  
оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент  
Фармони (ПФ–6247-сон, 16.06.2021 й.) мазмун-моҳияти**

Барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати (33 та) тасдиқланди.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятига оид ҳисоботни **ҳар иили:**

**1 марта** веб-сайтларига жойлаштириб, **10 марта** уни жамоатчилик иштирокида муҳокама этиш ҳақида хабар беради;

**1 апрелгача** ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этиш учун матбуот анжуманларини ўтказади.

**2021 йил 1 июлдан** қўйидагилар тўғрисидаги маълумотлар Очик маълумотлар порталига ва давлат органлари ва ташкилотлари веб-сайтларига жойлаштирилиб, ҳар чорақда янгилаб борилади:

- амалга оширилган давлат харидлари;
- мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари;
- Президент, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар;
- ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси.

Қўйидаги имтиҳонларни ўтказиш жараёнини Интернетда жонли эфирга узатиш тартиби жорий этилади:

- ОТМнинг бакалавриат ва магистратура имтиҳонлари;
- ўқиши кўчириш билан боғлиқ имтиҳонлар;
- нострификация тест синовлари.

2021/2022 ўқув йили қабулигача имтиҳонларни Интернетда жонли эфирга узатишни таъминлайдиган, барча фойдаланувчилар учун очик бўлган “imtihon.uz” веб-платформаси ишга туширилади.

**2021 йил 1 сентябргача** Очик маълумотлар портали давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали билан интеграция қилинади

**2021 йил 1 августгача** Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси расмий веб-сайтида ва Порталда Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базаси ишга туширилади.

Коррупцияга қарши курашиб агентлиги зиммасига **қўшимча вазифалар** юклатилди. Агентлик, жумладан:

- давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотларни Интернетга жойлаштириш мажбуриятлари ҳисобини юритади;
- мурожаатлардан келиб чиқувчи давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлиги ва шаффоғлигига оид долзарб масалаларни “Mening fikrim” веб-портали орқали умумхалқ муҳокамасига чиқаради.

**“Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.**

**2021 йил 1 декабрдан:**

- йил якунлари бўйича **давлат органлари ва ташкилотларининг Очиқлик индекси** аниқланади;
- қўйидаги тадбирлар телеканаллар, шунингдек, Интернет орқали **жонли эфирга узатилади**:
  - Қонунчилик палата ва Сенат мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари;
  - тарафларнинг розилиги билан айрим ҳуқуқбузарликларга ва оиласвий низоларга оид фуқаролик суд ишлари.